

ПОРА БЕРИШ ЖИНОЯТИНИНГ ЖИНОЙИ-ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ ВА КВАЛИФИКАЦИЯСИ

Курбанова Мохинур Бахтиёровна

Термиз давлат университети юридик факультети
жиноят ҳуқуқи ва фуқаролик процесси кафедраси ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19224312>

Аннотация. Мақолада пора бериш жиноятининг ижтимоий-ҳуқуқий табиати, унинг жиноят-ҳуқуқий тавсифи ва квалификация қилиш муаммолари таҳлил қилинган.

Муаллиф коррупцияга оид халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчилик нормаларини қийслаб, жиноят таркибининг элементлари — объект, объектив томон, субъект ва субъектив томон белгиларини батафсил ёритган. Шунингдек, пора предмети тушунчасини кенгайтириш, номоддий нафни ҳам ушбу тоифага киритиш ҳамда шахсни жавобгарликдан озод қилиш асослари бўйича илмий таклиф ва хулосалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Коррупция, пора бериш, мансабдор шахс, жиноят таркиби, квалификация, пора предмети, жиноий жавобгарлик, номоддий манфаат, рағбатлантирувчи норма.

УГОЛОВНО-ПРАВОВАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА И КВАЛИФИКАЦИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЯ ДАЧИ ВЗЯТКИ

Аннотация. В статье анализируются социально-правовая природа взяточничества, его уголовно-правовая характеристика и проблемы квалификации.

Автор сопоставляет международные акты по борьбе с коррупцией с нормами национального законодательства, подробно раскрывая элементы состава преступления: объект, объективную сторону, субъект и субъективную сторону. Также выдвигаются научные предложения по расширению понятия предмета взятки, включая в него нематериальные выгоды, и рассматриваются основания освобождения от уголовной ответственности.

Ключевые слова: Коррупция, дача взятки, должностное лицо, состав преступления, квалификация, предмет взятки, уголовная ответственность, нематериальная выгода, поощрительная норма.

CRIMINAL-LEGAL CHARACTERISTICS AND QUALIFICATION OF THE CRIME OF BRIBERY

Abstract. The article analyzes the socio-legal nature of bribery, its criminal-legal characteristics, and issues of qualification. The author compares international anti-corruption instruments with national legislation, providing a detailed breakdown of the elements of the crime: object, actus reus, subject, and mens rea. Furthermore, the paper puts forward scientific proposals for expanding the definition of the subject of a bribe to include non-material benefits and examines the legal grounds for exemption from criminal liability.

Keywords: Corruption, active bribery, public official, corpus delicti, qualification, subject of a bribe, criminal liability, non-material benefit, incentive norm.

Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар замирида кўплаб масалалар қатори қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши кураш тизимини тубдан ислоҳ қилиш лозимлигини кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Коррупциянинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини

яратиб бўлмайдди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайдди” деб таъкидлаб ўтганлар. Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1978 йил 17 декабрда қабул қилинган “Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахсларининг юриш-туриш кодекси”ни кўрсатишимиз мумкин. Мазкур хужжатнинг 7- моддаси “b” бандига асосан, коррупция – бу “мансабдор шахснинг ҳар қандай шаклдаги манфаат эвазига ўз мансаб ваколатлари доирасида мазкур манфаатни тақдим этувчи шахс фойдасини кўзлаб содир этган ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги” тушунилади¹, деб кўрсатилган бўлса, Европа Кенгаши томонидан 1999 йилда қабул қилинган Коррупция учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияда коррупцияга “пора олувчидан талаб қилинадиган мажбуриятлар ва юриш-туриш қоидаларини бажаришдан оғдиришга қаратилган ҳар қандай афзалликларни бевосита ва билвосита бериш, қабул қилиш, таклиф қилиш ёки сўрашдан иборат ҳаракатлар” сифатида таъриф берилди².

Шунингдек, мазкур таърифни қўллаб қувватловчи айрим олимлар ҳам коррупцияни порахўрлик жиноятлари сифатида таърифлашади. Жумладан, А.И.Долгованинг таъкидлашича, коррупцияни “давлат хизматчилари ёки ўзга хизматчиларнинг пора эвазига оғдириб олиниши ва шу асосда улар ўз хизмат ваколатларидан шахсий ёки муайян гуруҳ манфаатлари йўлида ғаразли ниятларда фойдаланиши билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳодиса” сифатида тушуниш лозим бўлади³.

Юқорида билдирилган фикрлар қонунчилигимиздаги порахўрлик жиноятларига оид нормаларни танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқишни, мазкур жиноятлар элементларининг комплекслиги ва мақсадга мувофиқлигини, соҳага оид халқаро стандартлар ҳамда илғор хорижий тажрибанинг миллий қонунчиликка етарли даражада этилиши мақсадга мувофиқлигини тақозо этади.

Дастлаб, пора тушунчасига тўхталадиган бўлсак, пора - муайян бир вазифа ёки топшириқни бажариш эвазига манфаатдор шахс томонидан бериладиган ва “кутилган ёрдам”ни берувчи ваколатли шахс томонидан қабул қилинадиган моддий қийматли нарса бўлиб, аксарият ҳолларда пора предмети сифатида пул ёки моддий кўринишдаги нарсалар қабул қилинади. Лекин бугунги кунда амалиётда кўришимиз мумкинки, маълум бир ишни бажариш эвазига олинадиган ва бериладиган ҳар қандай совға ва ҳадялар, бир марталик ва давомли моддий ва номоддий қийматликлар, ҳар қандай манфаат, шунингдек, келажакда кутилаётган манфаатлар ҳам пора предмети сифатида қабул қилинмоқда. Пора сўзининг этимологияси ва тарихий келиб чиқиш маъносига тўхталадиган бўлсак, пора сўзи “форс” тилидан олинган бўлиб, “бўлак”, “лахта”, “парча”, “хисса”, “улуш”, “йиртилган”, “кесилган” маъносини англатади. Яъни, қадимдан ҳам пора бирор ишни амалга ошириб берилиши учун бериладиган нарса ёки пулнинг бир қисми, улуши маъносини англатади.

Пора олиш деганда эса, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, содир этиши лозим бўлган ёки содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаган ҳолда бажариши ёки

¹ Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка (Принят резолюцией 34/169 Генеральной Ассамблеи ООН от 17 декабря 1979 года) // [Электрон манба]. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/code_of_conduct.shtml

² Конвенция о гражданско-правовой ответственности за коррупцию (Страсбург, 4 ноября 1999 года) // [Электрон манба]. URL: <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/rms/090000168007f58c>

³ Долгова А. И. Криминология. Учебник для вузов. 2001. С. 347

бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёхуд воситачи орқали, қонунга хилоф эканлигини билган ҳолда, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий ёхуд номулкий манфаатдор бўлишига айтилади. Бунда пора олишнинг асосий белгиси пора олувчининг мансабдор бўлиши ёки муайян ваколатга расман эга бўлиши ва ваъда қилинган “ёрдам”ни амалга ошира олишга ҳақиқатда имконияти борлигида намоён бўлади.

Қонунда порахўрликка оид жиноят турларининг қуйидаги кўринишлари мавжуд: Пора бериш жинояти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 211-моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, унинг диспозицияси “Пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш,” – деб таъриф берилган. Шунингдек, пора олиш жинояти (ЖК 210-модда) ёки пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятларининг (212-модда) диспозитциялари такомиллаштирилиб борилди. Мазкур моддаларга киритилган асосий ўзгартишлардан бири - модданинг “Башарти, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши”⁴ киритилган.

Пора бериш жинояти таркибий элементларига (объект, объектив томон, субъект ва субъектив томон) тўхталиб ўталиб ўтадиган бўлсак, аввало мазкур турдаги жиноятлар умумий объектга эганлиги билан ажралиб туради. Ушбу зарурий белгилар жиноят таркиби мавжуд бўлиши учун шарт бўлган элементлар бўлиб, уларнинг йиғиндиси қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун минимал ва етарли бўлган ижтимоий хавфлиликни ташкил қилади. Миллий қонунчилигимизда порахўрликка оид жиноятлар ва улар учун жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (192⁹ - 192¹⁰ -, ва 210-214-моддалари) тегишли моддаларида белгилаб қўйилган бўлиб, уларнинг юридик таҳлилини амалиётда кўп ҳолларда пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятлари содир этилишини инобатга олиб, жиноят юридик таҳлилини улар мисолида кўриб чиқишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқи бўйича жиноят мавжудлигининг зарурий таркибий белгиси ҳисобланган жиноят объектига қуйидагича таъриф берилади: *жиноят объекти* - жиноят қонуни билан қўриқланадиган энг устувор ва ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган умумлашган ҳолда соф ижтимоий категория бўлган ижтимоий муносабат бўлиб, жиноят содир этилиши натижасида уларга зарар етказилади ёки зарар етказилиши хавфи остида қолади.

Порахўрлик жиноятларнинг объекти ҳақида фикрларни бир қатор хорижий ҳуқуқшунос-олимларнинг асарларида кўришимиз мумкин. Жумладан, А.Н. Агыбаев бундай турдаги жиноятларнинг объекти “давлат аппаратининг тўғри фаолият юритиши” эканлигини таъкидлайди⁵.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014-йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги ЎРҚ-372-сон қонуни, (Электрон манба), <https://lex.uz/docs/2388207>

⁵ Агыбаев А. Н. Ответственность должностных лиц за служебные преступления. — Алматы: Жеті жарғы, 1997. С. 25

Ушбу фикрда жиноят объекти умумий давлат бошқаруви билан қамраб олинганлигини кўришимиз мумкин. Аммо, мазкур қараш порахўрлик жинояти объектини тўлиқ қамраб олади дея олмаймиз. В.Е.Мельникованинг фикрича эса, “давлат ва жамоат аппарати тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар” порахўрлик жиноятларнинг объекти бўлиб хизмат қилади.⁶ Мазкур таърифдан порахўрликка оид қилмишлар давлат хизмати ва унинг фаолиятига бориб тақалиши анлашилиб турибди. Порахўрликка оид жиноятлар (ЖК 210-214 моддалари)нинг объектлари умумий ҳисоблансада, уларнинг *бевосита объекти ҳокимият ёки бошқарув органларининг обрўси, нормал фаолият юритишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, фуқарларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ёки қонуний манфаатлари ҳисобланади.*⁷

Бундан кўришиб турибдики, пора бериш жинояти давлат бошқарув органлари фаолиятига қарши қаратилган ижтимоий хавфли қилмишдир. А.Х.Саттаровнинг таъкидлашича, мазкур турдаги жиноят объекти сифатида “давлат ёки жамоат аппарати фаолиятини ташкил этувчи ва жамият талабларига мос келувчи бир тоифали ижтимоий муносабатлар гуруҳи” тушунилади⁸.

Мазкур таърифни истисно этмаган ҳолда, пора бериш жинояти объектига қуйидагича муаллифлик таърифи беришимиз мумкин: Пора бериш **жинояти объекти** – давлат ҳокимияти ва бошқаруви нормал фаолият юритиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлар ва эркинликларини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. *Одатда пора ўзида қўйидаги белгиларни мужассамлаштирган бўлади:* 1. Тақдим этилган товарнинг мулкӣ хусусияти; 2. Уни таъминлашнинг ноқонунийлиги; 3. Мансабдор шахснинг хизмат мавқеидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳаракатлар (ҳаракацизлик) учун бундай имтиёзларни тақдим этиш; 4. Уни мансабдор шахс томонидан қабул қилиш.⁹

Шу билан бирга, кўплаб муаллифлар миннатдорчилик сифатида пора ва совғани ажратиш кераклигини таъкидлайдилар.¹⁰

Пора бериш жинояти *объектив томондан* мансабдор шахснинг ўз хизмат ваколатларига кирадиган ҳаракатларни пора берган шахснинг ёки у вакили бўлган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслигига ёрдам бериши ёхуд пора берган шахсга ёки у вакили бўлган шахсларга хизмат бўйича ҳомийлик қилиш, шунингдек мансабдор шахснинг хизмат бўйича бошқа ноқонуний ҳаракатлар бажариши эвазига унга бевосита ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этишда намоён бўладиган ҳаракатларда кўринади.

Жиноят қонунчилигимизда, ҳусусан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.09.1999 йилдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, унда порахўрлик тўғрисидаги ишларни кўришда қонунларни тўғри ва бир хилда қўллаш мақсадида баъзи-бир тушунтиришлар бериб

⁶ Мельникова К.Е. Должностные преступления. Вопросы уголовно-правовой квалификации. – М.: ВЮЗИ, 1985. – С. 6.

⁷ Танцюра М.А. Характеристика элементов состава преступления «получение взятки» <file:///C:/Users/net8/Desktop/harakteristika-elementov-sostava-prestupleniya-poluchenie-vzyatki.pdf>

⁸ Саттаров А.Х. Борьба с должностными злоупотреблениями в подсобных сельских хозяйствах предприятий и организации. Автореф. ... канд. юрид. наук. – Т., 1990. – С.10.

⁹ Уголовно-правовая характеристика взяточничества https://76.xn--b1aew.xn--poleznaya_informatsia/pravovoj_likbez/met_od_vzjatochnichestvo

¹⁰ Степанов В. «Обычный подарок» или обычная взятка?//Российская юстиция. - 2000. - №4. - С. 1

ўтилган. Масалан, Пленум қарорининг 2-бандига кўра, “Пул, қимматбаҳо қоғозлар, моддий бойликлар, шунингдек, пора оладиганга қайтармаслик шарти билан, лекин мулкий моҳиятга молик бўлган (масалан, таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ишларини бажариш ва бошқалар) хизматлар пора предмети бўлиши мумкинлиги, 7-бандида бошқа шахсга пора бериш йўли билан исталган ҳаракат ёки ҳаракатсизликка эришишни таклиф қилган шахс пора берувчи тариқасида жавобгар бўлади, пора учун келишилган ҳаракатни бажаришга келишган ва порани топширган шахс эса пора беришда иштирокчи тариқасида жавобгар бўлиши лозим. Агарда у таклифнинг моҳиятини билган ҳолда порани фақатгина тақдим этса, унинг ҳаракати порахўрликда воситачилик тариқасида тавсифланиши кераклиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Демак, мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифларини номоддий кўринишдаги нафи учун кўпол равишда бузишидаги жавобгарлиги порахўрликни назарда тутувчи модда билан квалификация қилинмас экан, бу ўз навбатида жиноят қонунчилиги принципларининг бузилиши олиб келиши тайин. Шу сабабли, пора предмети тушунчасини қайта кўриб чиққан ҳолда, уни номоддий наф тушунчалари билан тўлдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Жиноят таркибининг кейинги зарурий элементи унинг объектив томони бўлиб, тажовузнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ифодалайдиган, жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектга қарши қаратилган ижтимоий хавфли тажовузнинг ташқи ҳолатини характерловчи объектив, ижтимоий ва юридик аҳамиятга эга бўлган белгилар йиғиндисиدير. Бундан ташқари, олдиндан келишилмаган ҳолда пора олишда айбдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал этиш вақтида пора берувчининг мотиви ва поранинг предметиға эътибор қаратиш лозим. Яъни, агар олинган предмет қиймати унча катта бўлмаса ва пора берувчи уни миннатдорчилик сифатида берган бўлса, у ҳолда қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятиға эга бўлмаган хатти-ҳаракат деб квалификация қилинади. Бунда асосий эътиборни пора берувчининг қандай мақсад ва мотивда ҳаракатланишиға қаратиш лозим бўлади.

Шунингдек, эътибор қаратиш лозимки, мансабдор шахс қилмишини пора бериш деб квалификация қилиш учун пора предмети олиш вақти, усули, воситаси ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Пора предмети мансабдор шахс томонидан пора берувчи манфаатида муайян ҳаракатни содир этишгача ёки муайян ҳаракат содир этилгандан кейин олинishi мумкин. Бунда қилмишни квалификация қилиш чоғида юқорида айтилганидек, поранинг олдиндан шартлашилганлиги аҳамиятга эга бўлмайди. Бундан ташқари, кўп ҳолларда мансабдор шахснинг бирор-бир мулкий манфаат кўришга қизиқиши уларнинг ўз хизмат ёки мансаб ваколатларига кирмайдиган ҳаракатларни содир этишга ундайди ва улар ушбу қилмиши билан пора олиш эмас, балки фирибгарлик (ЖКнинг 168-моддаси) жинояти субъектиға айланиб қолади. Порахўрликка оид жиноятлар моддий таркибли жиноятлар туркумиға кириб, қилмиш пора олувчи томонидан пора берувчининг аксинча эса, пора берувчи томонидан пора берилаётган шахснинг манфаатларини кўзлаб, аниқ ҳаракатлар содир этилган ёки этилмаганлигидан қатъи назар, пора предметининг лоқал бир қисми олинган ёки берилган пайдан эътиборан тугалланган ҳисобланади. Агар пора берувчи ўз ихтиёри билан арз қилиб жиноят тўғрисида исталган ҳокимият органиға ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Пора бериш тўғрисида арз қилинганлигининг ихтиёрийлиги фактини аниқлаштиришда шуни инобатға олиш лозимки, мазкур ариза ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноят тўғрисида хабардор бўлишидан олдин берилиши керак.

Ўз ихтиёри билан арз қилишнинг мотиви ва ундан кузатилган мақсад- фош бўлишдан кўрқиш, жазоланишдан кўрқиш, виждон даъвати ва ҳ.к. шахсни жавобгарликдан озод қилишда аҳамиятга эга эмас.

Пора берувчиларни порада товламачилик ёки пора берганлик тўғрисида ўттиз сутка мобайнида ихтиёрий ариза бериш асосларига кўра жиноий жавобгарликдан озод этиш бу шахсларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлигини билдирмайди (ЖКнинг 211, 212-моддаларига изоҳ). Шу сабабли улар жабрланувчи деб топилмайди ва пора тариқасида берилган бойликларни қайтариб олишни талаб қилишга ҳақли эмаслар .

Жиноят-процессуал кодекси 211-моддасининг 4-бандига асосан жабрланувчига қайтарилиши лозим, бошқа ҳолатларда пора предмети суд ҳукми билан давлат эгалигига ўтказилади.

Шунинг билан бирга пора олиш жинояти пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат содир этилган ёки этилмаганлигидан қатъи назар поранинг олиниши билан тугалланган жиноят деб ҳисобланиши мумкинлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Агар пор берувчи порни берган вақтида пора олувчи ўз ихтиёри билан порани олмаса пора олувчининг ҳаракати жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ҳисобланиб, жиноий жавобгарликка торишни истисино этади.

Шунинг учун ҳам ҳар икки ҳолдаги ҳаракатларни бир хилда квалификация қилиниши ҳам тўғри бўлмайди. Жиноят қонунчилигида жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноятга суиқасд тушунчалари мавжуд бўлиб, порахўрликка оид жиноятларда субъектлар иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра пора предметининг олинмай ёки берилмай қолишида (масалан, пора берилаётган вақтда жиноят қидирув бўлими ходимлари томонидан жиноятнинг тўхтатилиши) қилмиш ЖК 25-моддаси 2-қисми ва 210-моддаси бўйича пора олишга суиқасд қилиш тарзида квалификация қилиниши лозим. Шунингдек, қилмишни квалификация қилишда айбдор олиш ёки бериш ниятида бўлган пора миқдори эътиборга олиниши лозим бўлади. Жиноят таркибининг **субъектив томони** айбдорнинг жиноят қонунда жиноят сифатида назарда тутилган, айбдор ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмишига нисбатан бўлган рухий муносабати бўлиб, унинг айби, мотиви, мақсади ва ҳис-туйғусини ифодалайди. Пора бериш жинояти субъектив томондан тўғри қасддан содир этилади.¹¹ 41 Хусусан, буни пора олиш жинояти мисолида кўрадиган бўлсак, айбдор мансабдор шахс (пора олувчи) моддий қимматликлар ёки мулккий фойда унга ўзининг хизмат мавқеидан келиб чиқиб пора берувчи манфаатида бирор-бир ҳаракатни содир этиш ёки этмаслик учун пора сифатида берилаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди. Гарчи аксарият ҳолларда пора олиш ғаразли мақсадда содир этилса-да, бироқ жиноятнинг мақсади ва мотиви бу қилмишни квалификация қилишда муҳим аҳамият касб этмайди. Пор бериш жиноятининг *субъекти* жиноят қонунда белгиланган ёшга етган, ақли расо, коррупция билан боғлиқ жиноятни содир этган ҳар қандай жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Жиноят ҳуқуқи назариясида ақли расо шахсларгина жиноий жавобгар деб топилади. Зотан, ақли расолик айб ва жавобгарликка тортишнинг зарурий шарти ҳисобланади¹². Жиноятнинг махсус субъекти – жиноят субъекти зарурий белгиларидан ташқари яна Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида белгиланган ва шу жиноятлар учун зарурий белги бўлган кўшимча белгилари ҳам мавжуд бўлган

¹¹ Купратая А. В. Понятие и виды коррупционных правонарушений // Актуальные проблемы права, экономики и управления. 2016. № 12. С.133.

¹² Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. Ўқув қўлланма. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 6

субъектдир. Ушбу турдаги жиноятда, хусусан пора бериш жиноятида субъект 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахслар ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб порахўрлик жиноятига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

Порахўрлик бу - мансабдор шахс томонидан бирор бир мақсадни кўлаб ўзига берилган ваколатлардан фойдаланиб, ўзга шахс, яъни пора берувчи фойдасига муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали пул, қимматли қоғозлар, бошқа мол-мулкни олиш, беришни талаб қилиш ёки ўтказиш орқали амалга оширилиши тушунилади. Порахўрлик тушунчасининг аниқлиги ушбу турдаги жиноятларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, порахўрликка оид жиноятлар ўзининг хавфлилик даражаси билан шахс, давлат ва жамият манфаатларига сезиларли даражада зарар келтирадиган қилмиш ҳисобланади. Шунга кўра ушбу турдаги жиноятлар ўзининг ички объектив ва субъекти белгиларидан эга бўлиши билан бир қаторда биринчидан, уюшган жиноятчиликнинг давлат хизмати фаолиятига кириб боришига олиб келади; Иккинчидан, демократик кадриятлар қарор топиб бораётган шароитда давлат амалдорлари томонидан мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ҳоллари ҳокимият обрўйига путур етказди; Учинчидан, амалга оширилаётган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш жараёнларини сусайтиради; 36 Тўртинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилишига олиб келади; Бешинчидан, давлат ҳокимиятини халқ олдида обрўсизлантиради, ўсиб келаётган ёш авлод онгини захарлайди; Олтинчидан, халқаро ҳамжамиятда давлат тўғрисидаги салбий тасаввурни юзага келтиради; Еттинчидан, иқтисодиётни ривожланиши ва мустаҳкамланишига ўзининг аянчли таъсирини кўрсатади, натижада иқтисодиёт механизмлари инқирозга қараб кетади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил
2. Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка (Принят резолюцией 34/169 Генеральной Ассамблеи ООН от 17 декабря 1979 года) // [Электрон манба]. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/code_of_conduct.shtml2.
Конвенция о гражданско-правовой ответственности за коррупцию (Страсбург, 4 ноября 1999 года) // [Электрон манба]. URL: <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/rms/090000168007f58c>
3. Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014-йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги ЎРҚ-372-сон қонуни, (Электрон манба), <https://lex.uz/docs/2388207>
4. Р.А.Зуфаров “Порахўрликка қарши курашнинг жиноят ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари: назария ва амалиёт”-Т: 2006. 28-29Б
5. Кириченко В.Ф., Бойцов Б.В. Взятничество // Уголовная ответственность за хищения государственного или общественного имущества, хозяйственные преступления и взяточничество. -М., 1967 г., -С. 184; Гельфанд И.А. Хозяйственные и должностные преступления в сельском хозяйстве. -Киев, 1970. -С. 227., Мельникова В.Е., Ответственность за взяточничество. -М., 1982. -С. 5;

- Квициния А.К. Должностные преступления: уголовно-правовые и криминологические аспекты. -Тбилиси, 1988. -С. 153; Ляпунов Ю.И. Корыстные правонарушения нетерпимы. -М., 1989. -С. 84.
6. Волженкин Б.В. Служебные преступления. -М.: Юристъ, 2000. С. 1938. См.: Качмазов О.Х. Ответственность за взяточничество по Российскому уголовному праву. Владикавказ: Иристон. 2000. С. 30.
 7. Клепицкий И.А., Резанов В.И. Получение взятки в уголовном праве России. Комментарий законодательства. М.: Издательский центр АРИНА, 2001.
 8. Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. Т., 2004 йил, 83-84 бетлар.
 9. Долгова А. И. Криминология. Учебник для вузов. 2001. С. 347.
 10. М.Х. Рустамбаев “Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси” 4-том. Дарслик. Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Харбий-техника институти, 2024. 390-бет